

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНКУЛОВА ШАХНОЗА ТУЙЧИЕВНА

**ШАХС ЭСТЕТИК ОНГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА САНЪАТНИНГ
ЎРНИ ВА СИНЕРГЕТИК ХУСУСИЯТИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on philosophical sciences**

Турсункулова Шахноза Туйчиевна

Шахс эстетик онгининг шаклланишида санъатнинг ўрни ва синергетик
хусусияти..... 3

Турсункулова Шахноза Туйчиевна

Роль и синергетические особенности искусства в формировании
эстетического сознания личности 19

Tursunkulova Shahnoza Tuychiyevna

Role and synergetic features of art in the formation of aesthetic consciousness of
personality 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНКУЛОВА ШАХНОЗА ТУЙЧИЕВНА

**ШАХС ЭСТЕТИК ОНГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА САНЪАТНИНГ
ЎРНИ ВА СИНЕРГЕТИК ХУСУСИЯТИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/Fal125 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маҳмудова Гули Тилабовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раматов Жуманиёз Султонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Нишоновна Озода Джалолитдинова
фалсафа фанлари доктори, проф. в.б.

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.12.2019.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55).

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Хўжамуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

У.А.Маҳкамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа доктори (PhD)

Н.А.Шермухамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар, глобаллашув, ахборот хуружи кучайиб бораётган мураккаб бир даврда, санъат бир томондан, турли миллат ва элат вакиллари, халқлар ва давлатлар ўртасида дўстона меҳр-муҳаббат, инсонийликни тарғиб этиб, тотувлик, бағрикенглик ҳамда маданий муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, иккинчи томондан, маънавий, маданий, ахборотли таҳдидлари билан шахс эстетик идеалида экзистенциал бўшлиқ яратиб, эстетик онгининг имманент хусусиятларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, шахс эстетик борлиғини ахлоқийлаштириш ва ҳиссий англашда санъатнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, синергетик хусусиятларини (ўз-ўзини ташкиллаштирувчи, кўпвариантли, ночизиқли) тадқиқ этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Дунёдаги илмий тадқиқот марказларида шахс маънавий борлиғини инсонийлаштириш ва ижтимоий-маданий, маънавий-руҳий, жисмоний имкониятларини комплекс шакллантиришда санъат ва маданиятнинг кардинал муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шахс эстетик онгини шакллантиришда санъат турлари ва йўналишлари эффектининг ҳам конструктив, ҳам деструктив хусусиятларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар натижасида замонавий илмий назариялар илгари сурилмоқда. Шу сабабли, санъатга оид кўп йиллик анъана ва ақидалар билан бирга замонавий фалсафий методология, илм-фан ютуқлари, инновацион технологиялар, ижодий услубларнинг таъсирини ўрганиш ҳам илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда санъат ва маданиятнинг институционал тизимини шакллантириш, дунё маданий ҳаётига пухта интеграциялаш, ижодкорлик муҳитини яратиш, айниқса, ёшларнинг мутолаа маданияти, ижодий қобилиятини шакллантириш ишларида муҳим ташаббуслар олиб борилмоқда. Санъатнинг маънавий мерос, анъана, ворисийлик жиҳатларини шахс эстетик онгидаги конструктивлиги сақлаш ва глобаллашув давридаги деструктив омиллар таъсирини камайтириш миллий мумтоз ва замонавий санъатнинг муаммолари сифатида тадқиқ этилмоқда. Зеро, "...нодир санъат халқнинг ақл-заковати, ноёб истеъдоди ва азалий қадриятларини бамисоли кўзгудек ўзида ёрқин акс эттиради"¹. Шунинг учун мамлакатимизда илмий жамоатчилик олдида санъатнинг илмий-амалий, умумназарий асосларини тадқиқ этишдек долзарб масалани қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 февраль 2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг 4-устувор йўналишидаги 4.3, 4.5 бандларини амалга оширишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августда қабул қилинган ПҚ-3271-сон "Ўзбекистон

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқ заковати ва қадриятларининг гултожи// Ўзбекистон ҳунардмандчилиги дурдоналари. Китоб-альбом. "Ўзбекистон". Тошкент: 2019. –Б.3.

Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 13 сентябрда қабул қилинган ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори” мавзусидаги маърузасида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эстетик онг ва санъатнинг когерент боғлиқлиги, эстетик онг ва санъат муаммолари, санъатнинг синергетик хусусиятларини тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга долзарб мавзулардан бири бўлиб келган. Хориж олимларидан В.Гегель, И.Кант, Ф.Шиллер, И.В.Гёте, Д.Дидро, А.Августин, А.Шопенгауэр асарларида санъат ва эстетик онг масалаларига доир кўплаб фикрлар мавжуд, А.Моля, Ж.Касты, А.Карловисти¹лар тадқиқотларида санъат ва эстетик онг муаммолари замонавий нуқтаи назардан талқин этилган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.В.Гулыга, А.Я.Зисъ, М.Ф.Овсянников, В.П.Иванов, М.С.Каган, Р.А.Браже, Л.А.Андреев, Ю.Борев, И.А.Евин² илмий тадқиқотларида санъат ва эстетика, ижод ва синергетика, санъат ва синергетика, эстетик онг ва санъатнинг тинимсиз абадий ҳаракатда эканлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз олимлари, хусусан, Э.Умаров, Т.Маҳмудов³, Абдулла Шер, М.Абдуллаев, А.Қурбонмамадов, Б.Хусанов, М.Нурматова⁴, Ш.С.Агзамходжаева, К.Акилова, М.Жумабоев, А.Хакимов, О.Оллоёров, Б.Хуррамова, О.Ғайбуллаевлар⁵ томонидан мавзуга оид илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Аммо юқоридаги ишларда шахс эстетик онгининг имманент хусусиятларининг комплекс таҳлили, уни ташкил этувчи компонентларнинг ҳамкорликдаги алоқадорлиги, ҳамда ушбу алоқадорликни таъминлашда санъатнинг ўзига хос таъсирчан, ташкиллаштирувчи ўрни, синергетик жиҳатлари билан боғлиқлиги каби масалалар алоҳида фалсафий тадқиқот объекти даражасида кам ўрганилган. Шу сабабли ушбу тадқиқот ишида шахс

¹ Casti J., Karlqvist A., Complexity and Art. London.: Elsevir, 2003.

² Евин И.А. Искусства и синергетика. -Москва: -Едиториал УРСС. 2004.

³ Махмудов Т. Эстетика и духовные ценности. -Ташкент: Шарк.1993.

⁴ Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик кадриятлар уйғунлиги. –Тошкент: Университет, 2009.

⁵ Адабиётлар диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” кесимида келтирилган.

эстетик онгининг шаклланишида санъатнинг ўрни ва синергетик хусусиятларини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади санъатнинг шахс эстетик онгининг шаклланишига таъсири, санъатнинг синергетик асосларини фалсафий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эстетик онг ва санъат тушунчаларини тизимли таҳлил қилиш, шаклланиш ва тараққиёт босқичларини турли ёндашувларга кўра тавсифлаштириш ва илмий асосланган замонавий классификациясини ишлаб чиқиш;

санъатнинг нозикли ва ўз-ўзини ташкиллаштирувчи синергетик хусусиятларини тадқиқ этиш;

модерн, постмодерн ва замонавий санъатнинг шахс ахлоқий-эстетик қиёфасига конструктив ва деструктив таъсирини асослаб бериш;

санъатнинг шахс эстетик онгининг шаклланишидаги аҳамияти, имкониятлари, муаммолари ва вазифаларини илмий асослашга доир хулоса, амалий таклиф, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини шахс эстетик онги ва санъатнинг синергетик хусусияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети санъатнинг синергетик хусусиятларини шахсда эстетик онгни шаклланишига таъсирини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, таснифлаш, фанлараро ёндашув, тизимлилик, фалсафий кампаративистика, кузатув, социологик сўровнома каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фанлараро мега категория бўлган эстетик онгининг тизимли, структурали, эволюцион ривожланувчи мураккаб хусусиятлари ва санъат феномени билан алоқадорлиги эстетик дунёқарашда, бадиий асарларда, этномаданий борлиқда намоён бўлиши асосланган;

шахс эстетик онгининг ижтимоий тажриба эволюцияси ва санъат таъсирида шаклланиб, юксалиб боришининг тарихий-фалсафий, этномаданий, эстетик, онтологик хусусиятлари илмий асосланган;

бадиий-эстетик ижод ва бадиий асарнинг нозикли хусусиятлари эстетик онгни шакллантиришда муҳим омил эканлигининг фанлараро синтези асосида санъатнинг синергетик феномени очиқ берилган;

шахс эстетик онги ва тафаккурини шакллантиришда синергетик асос вазифасини бажарадиган санъат асарлари ва санъат турларининг назарий ва амалий жиҳатдан таснифи, замонавий санъатнинг имкониятлари ва устувор вазифалари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“онг”, “эстетик онг” тушунчаларининг ижод, санъат тушунчалари билан ўзаро боғлиқлиги, эстетик онг ва санъатнинг ҳиссий мазмун моҳияти, генезиси, доимий ҳаракатдалиги очиб берилган;

бадий-эстетик ижод ва бадий асарнинг ночизиқли, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи синергетик хусусиятлари аниқланган;

санъатнинг ёшлар онги ва тафаккурига конструктив ва деструктив таъсирини ўрганиш асосида, замонавий санъатнинг ёшлар онги ва маданиятини шакллантириш имкониятлари, устувор вазифаларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда илмий ва соҳага тегишли расмий манбаларга, кенг апробациядан ўтган ғоя ва таълимотларга, социологик сўровларга мурожаат қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ҳозирги кунда шахс эстетик онгини шакллантиришнинг зарурияти, эстетик онг шаклланишининг санъат билан узвий боғлиқлиги, санъатнинг модернизациялашуви, санъатнинг синергетик феномен сифатида таҳлил қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда тақдим қилинган таклиф ва тавсиялардан таълим-тарбия муассасаларида, Ёшлар иттифоқи фаолиятида, санъат соҳаларида, ижод мактабларида, музейлар фаолиятида, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шахс эстетик онги шаклланишининг мураккаблиги, унга санъатнинг таъсири, эстетик онг ва санъатнинг доимий ҳаракатдалиги, санъатда синергетик хусусиятларни тадқиқ этиш асосида:

фанлараро мега категория бўлган эстетик онгнинг тизимли, структурали, эволюцион ривожланувчи мураккаб хусусиятлари ва санъат феномени билан алоқадорлиги эстетик дунёқарашда, бадий асарларда, этномаданий борлиқда намоён бўлишига оид хулосаларидан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгаши томонидан ўтказилган “Замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш ва тарғиб қилиш” номли тадбир лойиҳаси ҳамда сценарийсини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 28 октябрдаги 04-13/4870-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг эстетик онги: идеали, назарий билими, баҳо, дид каби эстетик хусусиятлари шаклланишига, бадий асар, бадий ижод ҳақидаги билимлари ошишига эришилган;

шахс эстетик онгининг ижтимоий тажриба эволюцияси ва санъат таъсирида шаклланиб, юксалиб боришининг тарихий-фалсафий, этномаданий, эстетик, онтологик хусусиятларига оид илмий хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 12-сентябрь куни эфирга узатилган “Миллий эстрада” туркум эшиттиришининг сценарийсини

тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси 2019 йил 16 октябрдаги 1-180-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот натижаларининг эфирга узатилиши аҳолида шахс эстетик онгининг шаклланишида санъатнинг аҳамиятини янада чуқурроқ тушуниш имкониятини берди;

бадий-эстетик ижод ва бадий асарнинг ночизиқли хусусиятлари эстетик онгни шакллантиришда муҳим омил эканлигининг фанлараро синтези асосида санъатнинг синергетик феномени таҳлилига оид илмий хулосаларидан Самарқанд вилояти музей-қўриқхона фаолиятини янада такомиллаштиришда, янги экспозия кўргазмаларини ташкил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 8 ноябрдаги 01-12-10-5601-сон маълумотномаси). Натижада, музей-қўриқхонанинг хужжатлар фондида илмий иш доирасида 10 дан зиёд экспонатлар йиғилди, экспозицион режа тузилиб, кўргазма ташкил қилинди, экскурсия матнларини янги назарий матнлар билан бойитишда фойдаланилди;

шахс эстетик онги ва тафаккурини шакллантиришда синергетик асос вазифасини бажарадиган санъат асарлари ва санъат турларининг назарий ва амалий жиҳатдан таснифи, замонавий санъатнинг имкониятлари ва устувор вазифаларига оид хулосалари, таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон миллий университетиди 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-163 рақамли “Демократик жараёнларда “ўзбек модели”нинг концептуал масалалари таҳлили ва изчил ривожланишнинг фалсафий-методологик асослари” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 89-03-3847-сон маълумотномаси). Бу илмий тадқиқот натижаларининг амалий лойиҳада қўлланилиши шахс эстетик онги ва маданиятининг шаклланишида санъатнинг ўрни ва самарадорлигини ошириш юзасидан хулосалар чиқариш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Мазкур тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (3 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги асосланган, илмий

ишнинг мамлакатимиз фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти ва предмети, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари белгиланган, изланишлар жараёнида олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилгани, апробацияси, нашр этилган ишлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Эстетик онг ва санъат тушунчалари генезисининг назарий-методологик тавсифи”** деб номланган биринчи бобида, “эстетик онг” тушунчаси ижтимоий-гуманитар фанларни парадигмал хусусиятлари билан ўзига жалб қиладиган мега категорияларидан бири сифатида табиат, жамият ва шахс билан боғлиқ жараёнлар, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини эстетик англашда назарий ва тажрибавий асослари билан муҳим методологик аҳамиятга эга бўлган тизимли, эволюцион ривожланувчи мураккаб ҳодиса сифатида таҳлил қилинган.

Диссертацияда, онг, эстетик онг тушунчалари ижтимоий-гуманитар фанларнинг очик муаммолари деб таъкидланган ҳамда, мазкур соҳалар эришган натижалар умумлаштирилиб, онг ва эстетик онг муаммоларининг ижод, санъат ва маданият соҳалари билан ўзаро алоқадорлиги масаларига эътибор қаратилган. Бунда, фалсафа, эстетика, санъатшунослик, психология йўналишларида эришилган натижалар асос қилиб олинган. Хусусан, Ю.Боревнинг: “Онг ижоднинг кўпгина томонларини тавсифлайди. У мақсадни, юқори қўйилган масалани ва асар ижодий концепциясининг сиртини назорат қиладди. Санъаткорнинг ижодий тафаккуридаги “ёрқин доғни” равшанлаштиради ва ушбу нур атрофида унинг барча тажрибасини ташкиллаштиради, санъаткорнинг ўз ўзини назорат қилишини ва ўз ўзини кузатишини таъминлайди, унга танкидий назар солишга ёрдам беради, фикрининг қоралама вариантыга тўғри баҳо бериб, уни мукамал охирига етишини таъминлайди. Онг санъаткорга ўзи устидан назорат ўрнатиб, ўз ижодини анализ қилишига ва моҳирлигини ўсишига монелик қиладиган хулосалар ясашига ёрдам беради”¹, - деган фикрлари билан асослайди. Муаллиф фикрича, онг инсон миясининг функцияларидан бири бўлиб, мураккаб хусусиятли, инсоннинг ақли тафаккури билан, ижтимоий ҳаёти, инсон психологияси, воқелик билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий-руҳий хоссаларни ўзида мужассамлаштирувчи инсонга хос бўлган борлиқнинг маънавий ва ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизими сифатида ижод ва санъат билан алоқадор тушунчадир.

Диссертант, бадиий-эстетик тафаккур эволюциясини таҳлил қилишда Г.Маҳмудованинг Авестология тадқиқотлари натижаларига мурожаат қилган. Инсониятнинг илк ижтимоий тажрибалари (мифлар, асотир, дoston, дунёқараш шакллари, ижтимоий тузулмалар) эстетик онгни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этганлигини (бадиий асар, дунёқараш шакллари, этномаданият) асослаб берган. Шунингдек, эстетик онгни шакллантирувчи объектив ва субъектив омилларни, биринчидан, эстетик онг элементлари

¹ Борев Ю. Эстетика. -Москва. Политиздат. 1988, -С.181.

ўртасидаги когерент (лотинча *coherentia* – бир-бирига боғланган) боғлиқлик, иккинчидан, бадий-эстетик тафаккур тараққиёти, учинчидан, маданият ва санъат ҳодисаларининг таъсиридир деб таъкидлайди.

Диссертацияда эстетик онг ижтимоий онг иерархиясида “энг юқори қавати”ни эгаллашини таъкидлаб, ижтимоий онг шакллариининг интеграцион гармоник яхлитлигини таъминлаш учун жавобгар, шунинг учун, агар яхлит онгнинг универсал турларини олсак, унда эстетик онг утилитар, ахлоқий, илмий, когнитив ва ижодий турларга камайтирилмайди, лекин улар орқали мавжуд бўлиб, нисбий мустақил ва универсал тушунча деб эътироф этилади.

Таҳлиллардан келиб чиқиб, фалсафий нуқтаи назардан, эстетик онг – бу инсоннинг ички нафосат оламининг маҳсули сифатида вужудга келадиган ғоявий рухий эстетик жараёнлар мажмуаси, инсоннинг воқелик тўғрисида ҳаёл суришлари, уй-фикрлари, тасаввурлари уйғунлигидир, синергетик нуқтаи назардан, эстетик онг тизимли, эволюцион ривожланувчи, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи мураккаб ҳодиса эканлиги кўрсатилган. Муаллиф фикрича, эстетик онг – инсоннинг энг юқори шаклланган ва жамланган эстетик хусусиятлари мажмуи бўлиб, борлиқни инсонийлаштириш орқали шаклланади ва воқеликнинг яхлит, ҳиссий жиҳатдан туйинган акси сифатида белгиланади, деган таърифини беради.

Диссертацияда санъатнинг моҳияти ҳақидаги қарашлар ретроспектив умумлаштирилган: Аристотелнинг “мимесис” таълимотига кўра санъат воқеликка тақлид қилиб образ яратишдир, Платон эстетикасида абсолют гўзаллик илоҳий ғоянинг ердаги сояси тарзида зикр этилади. Леонардо да Винчи ўз назарий қарашларида “ойна”, “кўзгу” ғоясини илгари сурган. И.Кант фикрича: “Санъат инсон фаолиятининг уйғунлашган соҳасидирки, бундай уйғунликни ҳиссиёт ва ақл бирлигига асосланган эстетик мақсадга мувофиқлик юзага келтиради”¹. В.Гегелнинг фалсафий таълимотида “Санъат асари соф ҳиссиёт эмас, балки, ҳиссиётда намоён бўладиган рухдир”², деган турли назарий қарашлар орқали таърифланган бўлса-да уларнинг барчасига хос санъатнинг эркин ижодиёт намунаси, инсоннинг воқеликка эстетик муносабатларининг бадий баҳоси эканлиги ҳақидаги фикр қарор топди.

Санъат – одамнинг одамга ўз ҳис-туйғуларини ўтказиш воситаси, деб тушунтиради Лев Толстой. Беҳбудий фикрича, санъат – ибрат мактаби. Бундан ташқари, санъат – инсоннинг ўз руҳиятини ошқор қилиш шакли, инсоннинг бадий шакл яратиш қобилияти, интуиция меваси (Бенедитто Кроче), ижодий фаолият маҳсули (Ж.Маритен) сингари қарашлар мавжуд.

Ўрта асрлар ва уйғониш даври Европа мутафаккирларидан Аврелий Августин (354-430)нинг санъат тўғрисидаги қарашлари, кейинчалик, уйғониш даврида Данте, Петрарка, Боккаччо, Рафаел, Рембрант, Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рабле, Сервантес, Шекспир, Леон Баттиста Альбертилар томонидан яратилган санъат асарлари маънавий ва моддий ҳаётнинг эстетиклашувига, такрорланмас санъат асарларининг яратилишига

¹Қаранг. Кант И.Соч.в 6 том. Т.5. -Москва: 1965. -С.94.

²Гегель Г.В. Философия духа. Том.3. -Москва: Мысл, 1977. -С.54.

таъсир кўрсатди. Уйғониш давридан кейинги даврлар эстетикасида санъат назарияси тўғрисидаги қарашлар Э.Тезауро, Н.Буало¹ асарларида илгари сурилган. Янги даврда Европа маърифатпарварлари нафосат фалсафаси, олмон мумтоз эстетикаси, романтизм эстетикаси, реализм эстетикаси, рус мумтоз нафосат фалсафаси, энг янги даврда ҳаёт фалсафаси, руҳий таҳлил эстетикаси, экзистенциячилик эстетикаси, янгикантчилик эстетикасида санъат тўғрисида билдирилган назариялар эстетик онг ва бадий-эстетик тафаккур тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари, жумладан, IX-XI асрларда Марказий Осиёда илм-фан, санъат ва маданиятнинг гуллаб яшнаши, “Донолик уйи”, унда халифаликнинг турли ўлкаларидан келган араб, яҳудий, форс, турк, ҳинд, юнон олимлари биргаликда фаолиятлари Фаробий, Ибн Сино, Умар Хайём, Ғаззолий, Алишер Навоий, тасаввуф таълимоти намоёндалари санъат тўғрисида ўз қарашларини илгари сурган.

Чоризм мустамлакаси даврида барча соҳалар каби санъат ҳам шўролар мафкурасига буйсундирилган. Аммо шунга қарамасдан маърифат байроғини баланд кўтариб чиққан жадидчилар Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб алломаларнинг санъат, ижоднинг маънавий, маърифий, тарбиявий аҳамияти ҳақидаги қарашларини ўз даврининг инновацион қарашлари деб баҳолайди.

Ҳозирги кунда санъат соҳалари эстетик таҳлиliga бағишланган тадқиқотлар мамлакатимизда охириги йилларда биров кенгайиб бормокда. Лекин бу тадқиқотлар орасида фундаментал эстетик изланишларни учратиш ўта мураккабдир, дейди. XX асрнинг охириларида Т.Махмудовнинг: 1) бадий ижодни объектив ва ҳар томонлама таҳлил қилиш; 2) санъат асарининг барча қирраларини органик боғлиқлигини яхлит инъикос тизими сифатида кўриб чиқиш; 3) мураккаб бадий билиш жараёнида асосий аспект ядрони ажрата билиш лозим², деган фикрларини санъат ҳодисаларини эстетик жиҳатдан ўрганиш учун тизимли, комплекс ёндашувга заруриятнинг мавжудлиги деб билади.

Эстетиканинг муаммолари майдони кенглигини замонавий назариётчи олимларнинг санъат классификацияси мавзусидаги бахсларида акс этиши билан изоҳлайди. Шу ўринда, Т.Манронинг санъатнинг турлари фақатгина адабиёт, театр, мусика, рассомчилик эмас, балки, ҳайвонларни боқиш, пластик хирургия, косметика ишлаб чиқариш, парфюмерия ишлаб чиқариш, ошпазлик, вино ишлаб чиқариш, озиқ-овқат масаллиқлари билан шуғулланиш, кийим-кечак моделларини яратиш, сартарошлик, татуировка иши ва санъатнинг чегарасизлиги³ ҳақидаги, фикрларини давом эттириб, инсон ҳаёти доимий тарзда ўзгариб, янгиланиб бориши, ҳаётимизга

¹Диссертант томонидан таҳлил этилган манбалар диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”га киритилган.

²Қаранг. Махмудов Т., Петров В. Вопросы методологии эстетического анализа искусства. Ташкент: «Фан», 1984, -С.6.

³ Эстетические взгляды Томаса Манро. <https://ru.m.wikipedia.org> Манро, Томас (эстетик).

технологиялар, интернет, модернизация жараёнларининг таъсири сабабли санъат турларининг кўпайиб бораётгани, шу сабабли эстетик онг муаммоси, санъат эффекти муаммолари юзага келаётганлигини асослаб беради.

Муаллиф фикрича, санъат – маънавий жараён сифатида, ўз мураккаб ички тизими туфайли инсон тафаккурининг барча ёруғ ва қоронғу, баланд ва паст, чуқур ва юзаки ҳолатларини ифодалайди. У одамларда тасвирланган, ифодаланган нарса, ҳодиса ва кечинмаларнинг эстетик қадрият эканлигини намоён қилади, нарса-ҳодисаларга нисбатан эстетик баҳолаш қобилиятини шакллантиради. Ўқувчи ва томошабин воқеликни санъаткор кўзи билан кўришга мажбур бўлса-да унинг эстетик диди, олам, табиат ва инсон моҳиятини англайдиган эстетик онгини шакллантиради.

Диссертациянинг иккинчи боби, **“Санъат ва ижодий фаолият синергетик хусусиятлар контекстида”** деб номланган бўлиб, унда бадиий асар, бадиий ижод синергетиканинг ночизиқлилик, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тамойиллари ва бифуркация, беқарорлик, икки ва кўпмаънолилик ва бошқа синергетика тушунчаларига таянган ҳолда асослаб берилган.

Санъат асари мазмуни, бадиий ва фалсафий моҳияти билан синергетик хусусиятларга эга бўлиб, ижодкорни кузатуvidан то асар яратилишигача ночизиқли характерга эгадир. Санъатда синергетик хусусиятларни биринчидан, чизиқлилик нисбати билан тушунтирган. Масалан, тасвирий санъатнинг рангтасвир, қаламтасвир, графика турларида реализм услубида чизилган ҳар қандай расмда пропорция, симметрияга (мувофиқлик-чизиқлилик) амал қилинади. Расмда пропорция аниқликка, ўхшашликка олиб боради, ишонч, аниқ ва реалликни намоён этади, бу чизиқлиликдир дейди; иккинчидан, санъат асарида ночизиқлиликни ифодаловчи “кўпвариантлик”, “кўпмаънолилик”, “икки маънолилик”, “бифуркация”, “беқарорлик”, “спонтан”, “аттрактор” каби кўплаб синергетик тушунчалар ёрдамида таҳлил қилинади.

Тасвирий санъатнинг рангтасвир йўналишида, ранглар маъносини фарқлаган А.Ҳакимовнинг: “сарик ранг ўзида беморликни мужассамлаштиради, қизил – севги-муҳаббат, ижодий куч-ғайрат, ҳаёт, ёшликни; кўк – жаннат боғларининг ранги, ривоят қилишларича, кимки, садақа берса жаннатда кўк кийим киярмиш; ҳаворанг – ҳудуднинг баъзи халқларида аздорлик рамзи, шу билан бирга мажозий маънода сув ва осмон кучлари рамзи; оқ ранг – олижаноблик, софлик ва ифбатлик рамзи ва ниҳоят, қора ранг – мотам, салбий қувват, ёвуз кучлар ва коинотнинг бепоёнлиги тимсоли”¹ дир, деган фикрларини илгари сурган ҳолда, расмда рангларнинг кўпмаъноли эканлигини изоҳлаган. Синергетикада икки ва кўп маънолилик диссипатив тизим деб юритилади. Диссипатив тизимлар ёки структуралар очиклик хусусиятига эга бўлиб, мувозанатсиз муҳитда пайдо бўладиган турғун ҳолат, ташқаридан келган энергиянинг диссипацияси сабабли намоён бўлади. Айрим илмий манбаларда, стационар очик тизим ёки мувозанатсиз

¹Ҳакимов А.А. Ифори туйғулар водийси. Тошкент: Ўзбекистон бадиий академияси. 2006. –Б.55-бет.

тизим деб ҳам юритилади, бундай тизимларда мураккаб, хаотик структуралар бирданига пайдо бўлади.

Муаллиф, кўп маънолилики икки маънолилики, бимодаллик каби тушунчалар воситасида таҳлил қилади. Рассом Акмал Нурнинг “Ширмоной” картинасининг икки маъноли хусусиятини очиб беради, уни кузатган томошабин Ширмоной исмли ёш аёл билан бир вақтда ширмойнон тасвирини кўради. Ширмонойни тасвирлаётган мусаввир ширмойнонни бимодал ҳолатда ифодалаган ва ҳк. Рассом Алишер Мирзонинг “Кун тутилиши”, “Олтин Бухоро”, “Маска юзлар”, “Ой маликаси”, “Тумор”, “Афсонавий куш”, “Дилноза ва Бобурнинг дунёси”, “Зарғалдоқ шафтолилар”, “Итлар орасида” ва бошқа кўплаб асарлари ҳам кўпқиррали, кўп маъноли тасвири ва ифодаси билан мўжизага айланган. Бу мўжизанинг ҳар бир қисми бошқа қисм, фикр ва туйғуни тўлдириб туради, томошабинда ҳайрат ва ғайрат ҳиссиётини пайдо қилиб ҳақиқий санъат асарига айлантиради.

Шунингдек, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида Отабекнинг Зайнабга уйланиши билан беқарорлик юзага келади. Қўшхотинлик оилада ҳам ночизиклиكنинг ўсишига олиб келади. Тартиб параметри кўпаяди. Оилада ягона (чизикли) бош эмас, иккита, учта бош – тартиб параметрига айланади, натижада тизимда бифуркацион ҳолат юзага келади. Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” романидаги барча образлар ҳаётида беқарорлик ҳукм суради. Асосий қахрамонлар ҳаёти доимо таҳликали тарзда, бу шахслараро, давлат, жамият, табиатга нисбатан хавф-хатар тарзида ифодаланади. Бадиий асарда икки ва кўп маънолилики диссипатив тизим сифатида беқарорликка олиб боради. Беқарорлик эса ўқувчини янгиликка, ижодкорликка, тафаккурини бойитишга хизмат қилади. Бу ҳақда И.Евиннинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтади: “бизнинг онгимизнинг иш фаолияти кўп жиҳатдан тасвирлаш ва ифодалашдаги иккимаънолилики билан боғлиқдир. Ҳар қандай тасвир, ҳар қандай матн, ўз контекстида олиб қаралмаса бу икки маънолилики келтириб чиқаради”¹.

Шунингдек санъатда капалак эффекти, турбулентлик, спонтан-тасодифийлик ҳам амал қилади. Капалак эффекти нима? Капалак эффекти тушунчаси баъзи тартибсиз тизимларнинг ўзига хос хусусиятларини англатади, унга кўра тизимга кичик таъсир ҳам бошқа жойда ва бошқа вақтда энг кутилмаган ва катта оқибатларга олиб келиши мумкин. Алоҳида аҳамиятга эга бўлмаган бахтсиз ҳодисалар, тасодифий учрашувлар, англандан ва англанданмаган воқеа-ҳодисалар, ҳис-туйғулар, катта-кичик, аҳамиятли-аҳамиятсиз нарсаларнинг йирик воқеаларга айланиб кетишининг бадиий асарларда ифодаланиши ёки тасвирланиши капалак эффектига мисол бўлади.

Диссертацияда, санъатдаги ночизиклилики даражаларга ажратилган: биринчиси, ташқи ночизиклилики даражаси, унда санъат дунёни идрок этиш тизимларини вужудга келтиради, иккинчиси, ички ночизиклилики даражаси, бу ҳолатда дунёни англаш, ўзгартириш қобилиятлари синовдан ўтказилади,

¹ Евин И.А. Искусства и синергетика. Москва: Едиториал УРСС. 2004. -С.31.

учинчиси, иерархик ночизиклилик даражаси, абстракт тасвирлаш ва абстракт ифодалашнинг амалий синтези санъатнинг пайдо бўлишига, уни кўп даражали идрок қилиш имконини беради дейилган. Шунингдек, санъат асарининг ночизикли ифодаланиши нафақат бадиий асарнинг қимматини оширади, балки, шахс эстетик онги тизими шаклланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши асослаб берилган. Олам (табиат, жамият, инсон) кўп маъноликка эга эканлиги, унда нафақат текис, равон, тартиб балки, нотекисликлар, норавонликлар, тартибсиз оқимлар мавжудлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Эстетик онги шакллантиришда санъатнинг устувор вазифалари, замонавий имкониятлари ва муаммолари”** деб номланади. Тадқиқотнинг ушбу бобида санъатнинг мерос, анъана, ворисийлик, инновацион, замонавий имкониятларининг бадиий инвариантликка хос эканлиги, устувор вазифалари, муаммолари таҳлил этилган. Санъатнинг ривожланиши, шаклланиши, ўзгариши, янгиланиб бориши (онтогенез) ва турлари, йўналишларининг тарихий тараққиётига (филогенез) оид илмий асосланган маълумотлар берилган.

Бобда, санъат турлари ва воситалари шахс эстетик дидининг шаклланишига, ҳар бир киши учун эстетик идеални танлаш ва яратишига, олам, жамият, инсон ҳаётидаги эстетик гўзалликни қадрлашга, у қандайдир машхур санъат асари бўлмаса ҳам, эстетик орзунинг пайдо бўлиши учун туртки бўлиши, инсон ҳаёти давомида нафис туйғуларни шакллантириш учун назарий асос бўлиб хизмат қилиши асосланган ҳамда санъатнинг имкониятлари (мерос, анъана, ворис, инновацион, замонавий) тизимлаштирилган.

Санъат ва бадиий ижоддаги янги тушунчалар келтирилган, модерн ва постмодерн санъат тушунчалари мазмуни, бугунги санъатнинг асосий йўналишлари, “замонавий санъат” тушунчасининг мазмуни, модернизм ва постмодернизм санъатнинг фарқлари, аҳамияти ҳақидаги қарашлар таҳлил қилинган.

Диссертант “модернизм” – бу умумий дунёқарашга эга бўлган бир қатор адабиёт ва санъат йўналишлари мажмуаси бўлиб, анъанавий бадиий образларнинг айрим ижобий ва салбий хусусиятларини тарғиб этиб, натурализм, абстракционизм, экспрессионизм, сюрреализм йўналишларига бўлинганлигини таъкидлайди. Модернизм постсимволизм ва авангардизм (1910-40йй.), экзистенциализм (1940-60йй.) ва постмодернизм (1980-2000йй.) ижодий муҳитини ташкил қилган. Модернизм йўналишида “модернистлар”, “модернизм” замондошлари ва “контрмодернист”лар гуруҳи пайдо бўлган. XX асрнинг охирларида санъатнинг бу йўналиши танқидий реализм, хусусан социалистик реализм ақидаларига қарама-қарши позицияда турган адабий оқим бўлиб, XX асрнинг 60-йилларида постмодернизм деб аталувчи янги оқимга ўрнини бўшатиб берганини таҳлил қилган.

Постмодернизм тушунчаси фалсафий нуқтаи назардан плюралистик ҳамда эклектик хусусиятларга эга. “Пост” префекси инглиз тилида, “кейинги”, “изидан”, “кетма-кет” деган маъноларни англатади.

Постмодернизм Умберто Эко (Umberto Eco, 1928) – медиевист адиб ва файласуф олимнинг ижодида яққол намоён бўлади. Унинг “Атиргул номи” (1980), “Фуко маятниги” (1988), “Арафа ороли” (1994) деб номланган романлари постмодерн санъат намуналари ҳисобланган. Постмодернизм санъатида деконструкция, рамзийлик, симулякр, кич, реклама, тақлид, киноя, артефакт, интерактивлик, универсализм каби янги тушунчалар ва атамалар юзага келганлиги асосланган.

Жаҳонда постмодернизм санъат асарлари тарихийлаштирилиб, музейлар фондлари қаторига киритилган бўлсада, замонавий санъат асарларида унинг таъсири мавжудлигини, миллий санъатимизга постмодерн санъат кириб келмагани кўп бора айтилсада, шоу-бизнес учун яратилаётган куй-қўшиқлар, енгил-елпи кинофильмлар, телесериаллар, бир хил маъноли кўрсатувлар, кўнгилочар шоулар, ҳаддан зиёд рекламалар, этикеткалар, замонавий тасвирий санъат асарларида постмодерннинг таъсири мавжуд-лигини амалий жиҳатдан кўрсатиб берган. Улар оммавий маданият, глобаллашув, бозор иқтисодиёти каби қатор жараёнлар билан қоришиб маънавий-маданий, ахборотли таҳдидлари билан ёшларнинг ахлоқий, эстетик, психологик хусусиятларига ўз таъсирини кўрсатиб, санъат ва маданият муаммоларини келтириб чиқараётганлиги таҳлил қилинган. XX асрнинг охирига келиб, постмодернизм оқими жаҳонда инқирозга юз тутди. Ҳозирги кунда санъатдаги авангард доиралар яна янгича услубларни кашф этишга ҳаракат қилмоқда, деб таъкидлайди.

Диссертацияда модернизм ва постмодернизмнинг ўзига хос жиҳатлари чуқур таҳлил қилинган. **Биринчидан**, модернизм учун мавжуд эстетик қолипларга бўйсунмаслик, эркинлик, бетакрорлик идеал саналган бўлса, постмодернизмда тартибсизлик ва маъносизлик, ўйин ва эстетик найранглар муҳим бўлган; **иккинчидан**, постмодернизмда санъат билан борлик, санъатнинг ички турлари ўртасидаги фарқлар бўлмай, чегарасизлик ва қоришиқлик универсал тус олади. Модерн санъат ўрнини постмодерн мослашувчанлик ва келишувчанлик – конформизм эгаллайди; **учинчидан**, модернизмда ҳаётга таяниб, адабий анъаналар инкор қилинган бўлса, постмодернизмда ҳаёт бўлакларга ажратилиб қайта қурилиши, яъни деконструкция қилиниши керак бўлган бадиий восита ва унсурлар йиғиндиси тарзида қабул қилинади.

Постмодернизм санъат юксак санъат билан бир марталик истеъмолга мўлжалланган оммавий маданиятнинг ўзаро яқинлашуви, жамият аъзоларида санъатни, **биринчидан**, кишига завқ бериб, ҳордиқ чиқаришга хизмат қилиши керак бўлган гедонистик (лаззат берувчи) восита тарзида тушунишнинг ёйилиши билан одамларда турли даражадаги эстетик дид, ҳис-туйғу бўлиши мумкинлиги ва бунинг илдизи кишининг интеллекти ва туйғулари ҳамда у яшайдиган ижтимоий-маиший шароитга бориб тақалишидаги олдинги қарашлар ўз қимматини йўқота боради. **Иккинчидан**, постиндустриал жамиятда эстетик онг рамзий маъно касб этиб, истеъмол эркинлиги шароитида нарсасиз эмас, балки ахборот ва белги алмашиш орқали завқланиш ва лаззат олиш муҳим саналади. Асил санъат ҳодисалари ўрнини

симулякр (сохта эстетик яратик)ларнинг эгаллаши мумкинлиги эстетик дид, эстетик билимларни бир хиллаштириб, ўртадаги фарқларни йўққа чиқара боради. **Учинчидан**, ҳар қандай шароитда ҳам санъат ҳодисаларига турлича қарашлар сақланиб қолади, лекин истеъмол санъатининг оммавийлашуви эстетик онгнинг турғунлигига олиб келади. Негаки, истеъмол – тўхтов билмайдиган, ҳар куни, ҳар дақиқада ишлаб чиқарилиши, сотилиши ва истеъмол қилиниши керак бўлган узлуксиз кечим. Бу жараёнда саноатлик устуворлик қилади. Асил санъат асарини эса саноат усулида яратиб бўлмайди. Бир-бирига ўхшаш саноат маҳсулотлари истеъмолига мослашган эстетик онг оммавий бўлиб бораверади.

“Замонавий” санъат сўзи “модернизм”, “постмодернизм”, “авангард” тушунчалари билан ҳамоҳанг тарзда қўлланилсада, лекин “замонавий санъат” айнан ҳозирги кунда, айти дамда бўлаётган санъат ва маданият ҳодисалари билан боғлиқдир. Бугунги кунда “замонавий санъат” тушунчаси билан бирга “инновацион санъат” тушунчаларидан санъатда янгиликлар, ўзгаришларни амалга оширишда постмодернистик мазмунни эмас, балки, тарихийликка асосланган замонавийликни тарғиб этувчи, ижодий янгиликларни тақдим этувчи ўзида инсонпарварлик, ватанпарварлик, ҳалқпарварлик, ижодкорликка йўғрилган, эстетик дид, эстетик идеални шакллантирувчи, билим ва мазмун берувчи санъат асарларини яратиш имкониятини яратиб бериши ифодаланган.

Шунингдек, санъат ва маданиятни ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири “Ижодкор-Мен”ни шакллантириш, бадиий асарларнинг вазифаси санъатнинг мақсадини ўзига сингдириши, мутолаа маданияти, китобхонликни ривожлантиришнинг янги услубларини тадқиқ этиш механизмларини яратиш лозим. “Китобларнинг бирдан бир вазифаси - таомилларнинг ўзгариши натижасида вужудга келган талофотларни кўрсатишдир”¹, деган ғояга амал қилиш асносида, гўзал адабиёт асарларини баҳолаш учун (бизнинг замонимизда улар кам эмас) юксак тарбия, чуқур интеллект, ақл-идрок, нафсдан тийилиб, кўз нуримизни ва эшитиш қобилиятимизни ажратсак кифоядир.

Санъатнинг шахс эстетик онги ва маданиятини шакллантиришида бир қатор функциялари ажратилган: 1) маънавий, этномаданий борлиқни намоён қилувчи онтологик функцияси; 2) дунёни ўзига хос эстетик акс эттириб, унинг гўзал ва хунук, фожиали ёки кулгули, мафтункор асосларини кўрсатиб, инсоннинг ҳиссий дунёсига таъсир кўрсатувчи, ҳиссиётларини тарбияловчи, ақл-идрокини шакллантирадиган, эстетик қувонч ҳиссини уйғотувчи тарбиявий функцияси; 3) инсонга эстетик қувонч бағишлаб, унинг маънавий ва жисмоний кучларини фаоллаштирувчи, ҳиссий ва интеллектуал завқланиш эҳтиёжларини қондирувчи гедонистик функцияси; 4) турли одамлар ўртасидаги маънавий алоқа, маданий муносабатларни амалга оширувчи мулоқот-коммуникатив функцияси.

¹ Бальзак. Об искусстве. Москва-Ленинград: Искусство. 1941. -С.282.

ХУЛОСА

Диссертация якунида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Эстетик онг тушунчаси фанлараро категория сифатида фалсафа, санъатшунослик, адабиётшунослик, психология, социология фанларининг мақсад вазифаларини бирлаштиради, инсоният томонидан тўпланган ижтимоий тажрибаларни тўғри идрок этиш воситаси сифатида амал қилади. Эстетик онгнинг шаклланиши санъатга юкланган маъно, ижод ва илоҳий илҳом каби санъат билан алоқадор бўлган ҳодисалар билан бевосита боғлиқдир.

2. Эстетик онг – эстетик ҳис-туйғу, идеал, баҳо, дид, фикр, орзу каби элементлардан ташкил топган бўлиб, мураккаб объект сифатида элементларининг ўзаро ҳамжиҳатликдаги, кооператив тарзда ҳаракатланиши ва умумий объект учун зарур бўлган эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади, санъат бу жараёнда асосий ҳаракатлантирувчи ядрони ташкил қилади.

3. Санъат тафаккур ва назарий ақлимиздан юқори поғонадаги трансцендентал билимни ҳосил қилувчи инсон фаолиятининг соҳаси, унда априор ҳис-туйғу ва априор ақл, тафаккур ўзаро ички уйғунликда, гўзаллик ва улуғворлик мезони билан баҳоланадиган трансцендентал билим ҳосил қилувчи, инъикос усули, инсоннинг очиқлиги ва бадиий жараёнда ақлий салоҳиятни ҳимоя қилиш ва ҳатто ўстириш зарур бўлган усул ва воситадир.

4. Санъат ва бадиий асарнинг ночизиқли хусусиятларининг учта даражаси фарқланади, яъни ташқи, ички ва иерархик даражалари. Санъат асаридаги кўпвариантлик, кўпўлчамлик, спонтан-тасодифий ҳодисалар, оддийликдан мураккабликка, мураккабликдан оддийликка қараб силжиш, икки ва кўпмаъноли тасвир ва ифодалаш усуллари ёки “одатдагидан сал бошқачароқ” қилиб тасвирланиши эстетик онг элементларини индивидуал шаклланиши ва инсон тафаккурини кенгайтиришга хизмат қилади.

5. Шахс эстетик онги ва маданиятининг шаклланиб, юксалиб бориши натижасида шахс маънавий қиёфасида, мутолаа маданиятида, жамият моддий ва маънавий ҳаётининг гўзаллашувида, ишлаб чиқаришда эстетик-ижобий ўзгаришлар таъминланади. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, санъат асарларида мазмундорликни ошириш, синергетик хусусиятларини тарғиб қилиш, санъат турлари ва соҳалари ўртасида ҳамкорликни таъминлаш орқали мавжуд муаммоларни бартараф этиш лозим.

6. Шахс эстетик онги ва тафаккурини шаклланишига санъат синергетик таъсир кўрсатади, яъни санъат асарлари ва санъат турларининг назарий ва амалий жиҳатдан таснифи ҳамда замонавий санъатнинг имкониятлари ва устувор вазифаларининг кўрсатиб берилиши санъатни янада ривожлантириш, такомиллаштириш, ижодкорликни тарғиб қилиш орқали бу жараён содир бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ТУРСУНКУЛОВА ШАХНОЗА ТУЙЧИЕВНА

**РОЛЬ И СИНЕРГЕТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИСКУССТВА В
ФОРМИРОВАНИИ ЭСТЕТИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ ЛИЧНОСТИ**

09.00.02 – Философия сознания, культуры и форм практики (эстетика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Ташкент– 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2017.4.PhD/Fal125 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-сайте Научного совета www.sf-ik.uz и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Махмудова Гули Тилабовна
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Раматов Жуманиёз Султонович
доктор философских наук, профессор

Нишонов Озода Джалолитдинова
доктор философских наук, и.о. профессор

**Ведущая организация:
иностраных языков**

Самаркандский государственный институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.30.12.2019.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом-4. Здание факультета Социальные науки Национального университета Узбекистана, этаж-5, кабинет-511. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под № ____). (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом-4. Главное здание НУУз, этаж-2, кабинет-4. Тел.: (99871) 246-46-55).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(№ ____ протокола реестра рассылки «___» _____ 2020 года)

И.Р.Хужамуродов

Председатель Научного совета по
присуждению научной степени, доктор
философских наук, профессор,

У.А.Махкамов

Ученый секретарь научного совета, по
присуждению научной степени, доктор
философии (PhD)

Н.А.Шермухамедова

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению научной
степени, доктор философских наук,
профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В сложный период, когда в мире усиливаются противоречия, противостояния, глобализация, информационные атаки, искусство, с одной стороны, пропагандирует дружбу, добро, гуманизм среди представителей различных наций и народностей, народов и государств, служит согласию, толерантности и укреплению культурных отношений, с другой стороны, создавая посредством духовных, культурных, информационных угроз экзистенциальный вакуум в эстетическом идеале личности, оказывает негативное влияние на имманентные свойства эстетического сознания. Поэтому актуальными проблемами являются этизация эстетического бытия личности, изучение места и значения искусства в чувственном восприятии, исследование его синергетических особенностей (самоорганизации, многовариантности, нелинейности).

В научно-исследовательских центрах мира проводятся научные исследования, посвященные кардинальным проблемам искусства и культуры по гуманизации духовного бытия личности и комплексному формированию ее социально-культурных, духовно-психических, физических возможностей. В результате научных исследований, направленных на изучение как конструктивных, так и деструктивных аспектов воздействия видов и направлений искусства на формирование эстетического сознания личности, выдвигаются современные научные теории. Поэтому научно-практическое значение приобретает изучение влияния на искусство современной философской методологии, достижений науки, инновационных технологий, творческих методов наряду с многолетними традициями и убеждениями.

В нашей стране выдвигаются важные инициативы по формированию институциональной системы искусства и культуры, прочной интеграции в мировую культурную жизнь, созданию творческой среды, особенно это относится к работе по формированию у молодежи культуры чтения, творческих способностей. Сохранение конструктивности таких аспектов искусства, как духовное наследие, традиция, преемственность, в эстетическом сознании личности и уменьшение влияния деструктивных факторов в период глобализации исследуются в качестве проблем национального классического и современного искусства. Поскольку «...уникальное искусство словно зеркало ярко отражает ум и проницательность, редкостный талант и исконные ценности народа»¹. Поэтому перед научной общественностью стоит такая актуальная задача, как исследование научно-практических, общетеоретических основ искусства.

Настоящая диссертация в определенной степени служит выполнению задач по реализации пунктов 4.3 и 4.5 четвертого приоритетного направления, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 “Стратегии действий по пяти приоритетам

¹Мирзиёев Ш.М. Халқ заковати ва қадриятларининг гултожи// Ўзбекистон ҳунардмандчилиги дурдоналари. Китоб-альбом. - Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – Б. 3.

развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы”, а также задач, намеченных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3290 от 26 августа 2018 года «О мерах по инновационному развитию культуры и искусства в Республике Узбекистан» и ПП-3271 от 13 сентября 2017 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения», в докладе Президента «Развитие литературы и искусства, культуры - прочная основа развития духовного мира нашего народа», а также других нормативно-правовых документов, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике: 1. «Формирование системы социальных, правовых, экономических, инновационных идей информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. Исследование когерентной связи эстетического сознания и искусства, проблем эстетического сознания и искусства, синергетических свойств искусства всегда являлись одними из актуальных тем, имеющих большое научное и практическое значение. В трудах таких зарубежных ученых, как В.Гегель, И.Кант, Ф.Шиллер, И.В.Гёте, Д.Дидро, А.Августин, А.Шопенгауэр, высказано множество суждений по вопросам искусства и эстетического сознания, в исследованиях А.Моля, Ж.Касти, А.Карловисти¹ осуществлена современная интерпретация проблем искусства и эстетического сознания. В работах таких ученых стран Содружества Независимых Государств, как А.В.Гулыга, А.Я.Зись, М.Ф.Овсянников, В.П.Иванов, М.С.Каган, Р.А.Браже, Л.А.Андреев, Ю.Борев, И.А.Евин², изучены вопросы творчества и синергетики, искусства и синергетики, непрерывного и вечного движения эстетического сознания и искусства.

Отечественными учеными, в частности, такими как Э.Умаров, Т.Махмудов³, Абдулла Шер, М.Абдуллаев, А.Курбонмамадов, Б.Хусанов, М.Нурматова⁴, Ш.С.Агзамходжаева, К.Акилова, М.Жумабоев, А.Хахимов, О.Оллоёров, Б.Хуррамова, О.Гайбуллаев⁵, осуществлены исследования, имеющие отношение к теме исследования.

